

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 31 май, № 106 (5273) Сешанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## 2011 — 2015 ЙИЛЛАРДА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕР ВА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, уларни ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Унда қуйидагилар назарда тутилади:

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация чораларини ва геронтология ёрдамини кучайтириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар — мутасадди ижрочилар 2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2012 — 2015 йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантиришда 2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури тадбирларини амалга оширишни молиялаш учун зарур маблағларни, ушбу мақсадларга ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағларини кенг жалб қилишни ҳисобга олган ҳолда, назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар учун тиббий-ижтимоий муассасаларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишига зарур маблағларни бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмаларнинг марказлаштирилган лимитлари доирасида молиялашнинг прогноз ҳажмига биноан 2-иловага мувофиқ назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2-иловада назарда тутилган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини белгиланган тартибда таъминласин.

4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури тадбирларини амалга оширишни назарда тутувчи соҳалар бўйича ва ҳудудий дастурларни белгиланган параметрларга мувофиқ ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

Дастурнинг мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин, унинг бажарилиши ва ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирларининг аниқ натижаларини мунтазам кўриб чиқсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига 2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган тадбирлар бажарилишининг бориши ва натижалари ҳақида таҳлилий ахборот киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 30 май

# МОДЕРНИЗАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

***Мамлакатимизда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли ҳозирги кунда нафақат ички бозоримиз турли-туман маҳсулотлар билан бойимоқда, балки экспорт амалиёти ҳам тобора ортиб бормоқда. Бунга пойтахтимиздаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Азия бисквит” масъулияти чекланган жамияти фаолияти яққол мисол бўла олади.***



**Ислоҳот**

Албатта, ҳозир юртимизда ширинлик ишлаб чиқарувчи корхоналар талайгина. Бироқ улар орасида “Азия бисквит” ўзига хос ўринга эга. Негаки, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан, Миллий банкнинг кўмагида бу ерда амалга оширилган модернизациялаш ишлари натижасида маҳсулотлар сифати янада яхшиланиб, саксондан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Корхона аҳли 2009 йилда 300 тоннадан зиёд печенье, вафли, чипс сингари маҳсулотларни аҳоли дастурхонига тортиқ қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1,5 баробар оширилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса харидорларга 300 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Корхонада шу кунларда харидорлар талабидан келиб чиққан ҳолда, яна 5 турдаги печенье тайёрлаш, маҳсулотларнинг асосий қисмини экспортга жўнатиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

**Сарвар ОЧИЛОВ.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

***Тошкент шаҳрида 27-28 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Форумининг VI мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар миллий тадқиқот марказлари делегациялари, кузатувчи мамлакатлар экспертлари, ШҲТ Котибияти ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.***

Форум ШҲТ фаолиятига кўмаклашиш ва уни илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган кўп томонлама жамоатчилик маслаҳатлашув-эксперт механизми ҳисобланади.

Мажлис давомида форум иштирокчилари асосий эътиборни 2010 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммити якунларига қаратдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада ривожлантириш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Ўрта Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли инвестициявий ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Форумда Ўзбекистон Республикасининг ташкилотга раислик давридаги фаолиятига, расмий Тошкентнинг ШҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш ва халқаро майдондаги мавқеини янада юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берилди. Жумладан, Ўзбекистон ШҲТга раисликнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур ташкилотни ривожлантиришнинг устуворликларини аниқ ва равшан белгилагани таъкидланди. Тошкентдаги икки томонлама маслаҳатлашувлар ва миллий мувофиқлаштирувчиларнинг мажлисида ташкилотга аъзо давлатлар вакилларига мамлакатимизнинг асосий ташаббуслари батафсил тушунтирилди, тегишли ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқиш учун ўз вақтида тақдим этилди. Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасида раисликни ташкил этиш борасидаги масъулиятли ва тизимли ёндашуви Тошкент саммитининг асосий ҳужжатлари — ШҲТ Процедуралари қоидаларини, ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни, ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларацияни ишлаб чиқиш, улар юзасидан ўзаро келишиш ва имзолашни таъминлаш имконини берди. ШҲТнинг очиқлик ва блокка айланмаслик хусусияти янада мустаҳкамлангани, ташкилотга аъзо давлатлар ташаббусларини ҳамда ташкилот ҳужжатлари лойиҳаларини илгари суриш, ўзаро келишиш ва тасдиқлаш, унинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш жараёнлари аниқ белгиланганиЎзбекистоннинг ШҲТга раислик давридаги фаолиятининг асосий якунлари бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар халқаро миқёсда холис ва юқори баҳога сазовор бўлмоқда. Бу ютуқлар замирида, албатта, мамлакатимизда мустаҳкам банк-молия тизими яратилгани, пухта ўйланган иқтисодий сиёсат юритилаётгани мужассамдир. Чунончи, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ташкил этилганлиги молия-кредит сиёсатини самарали юритишда айни муддао бўлмоқда.***

# КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида масъул вазирлик ва муассасалар томонидан “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

Маълумки, қарз олувчиларнинг молиявий ҳолати ва тақдим этилган лойиҳаларни таҳлил қилишдан ташқари, кредитнинг қайтмаслик хатарини камайтиришнинг муҳим омилларидан бири қарз олувчилар тўғрисида ахборотга эга бўлишдир. Бу эса кўп вақт ва маблағ талаб этади. Зеро, “Кредит ахбороти” деганда, қарздорнинг қарзни қандай қайтарганлиги, агар у бошқа шахсларнинг кредитлари учун кафиллик берган бўлса, уларни қандай бажарганлиги тўғрисидаги маълумотлар тушунилади. Кредит ахбороти алмашинуви тизими эса кредит ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этишга ихтисослаштирилган махсус ташкилотлар, қарз берувчи, қарздорлар, ахборот-коммуникация воситалари ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олади.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Мактаблар учун жиҳозлар

*__БУХОРО.__ Ромитан туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўтган йилнинг охирида Жаҳон банки лойиҳаси доирасида 5 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантни қўлга киритганди.*

Шартномага мувофиқ, яқинда мактабга овоз кучайтиргич, нусха кўчириш ускунаси, видеокамера, рақамли фотоаппарат, телевизор ва бошқа зарур техник жиҳозлар етказилди.

Айтиш жоизки, бу мактаб Жаҳон банки грантини қўлга киритган Бухородаги ўн учинчи илм даргоҳидир.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги лойиҳа – қўшимча имконият

*__СУРХОНДАРЁ.__ “Термиз паррандачилик” фабрикасида лойиҳа қиймати 350 миллион сўмлик модернизация тадбирлари амалга оширилди.*

Натижада бу ерда қўшимча 20 мингта парранда парваришлаш имконияти юзага келди. 20 та иш ўрни яратилган корхонада ҳозир кунига 8 минг донагача тухум етиштирилмоқда.

Шу билан бирга, корхона жамоаси жорий йил охирига қадар ички истеъмол бозорига 100 тонна парҳез гўшт маҳсулотлари етказиб беришни ҳам режалаштиришмоқда.

**Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Деворбоп маҳсулотлар кўпаяди

*__СИРДАРЁ.__ Гулистон шаҳридаги “Олим-Бахтиёр ҳамкор” хусусий корхонасида деворбоп маҳсулот — шлакоблок ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Бунинг учун тадбиркор Олим Аҳматуллаев “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланди. Натижада корхонага замонавий технологиялар ўрнатилиб, 10 га яқин кишининг иш билан бандлиги таъминланди. Ҳозир бу ерда кунига 1250 та шлакоблок тайёрланиб, қурилиш корхоналарига етказиб берилмоқда.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган уч ойида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг минтақавий филиали томонидан вилоятдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига 3 миллиард 113 миллион 800 минг сўм кредитлар ажратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

***2011 йил 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, диний экстремистик оқимларга мойиллиги бўлган ҳамда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан профилактика тадбирлари ўтказилиши устидан прокурор назоратининг аҳволи, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда унинг таркибий тузилмалари фаолиятида фуқаролик, паспорт тизими ҳақидаги миллий қонунчилик ва бу соҳадаги қонун назорати ижроси, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтириш, жиноятларни квалификация қилишда қонунийликни таъминлаш ҳақидаги қўшма кўрсатмалар ижроси, фош этилмаган жиноятлар бўйича тезкор-қидирув ва дастлабки тергов, шунингдек, бу борадаги прокурор назоратининг аҳволи муҳокама қилинди.

**Назорат**

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу борада муайян тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидланиб, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар қайд этиб ўтилди.

Ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги баъзи камчиликлар танқид остига олиниб, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан олиб борилаётган профилактик ишларни, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда унинг таркибий тузилмаларида фуқаролик соҳасидаги миллий қонунчилик ижроси, шунингдек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлашда ва жиноятларни квалификация қилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан маҳкамавий ҳамда прокурор назоратини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишда тегишли органларнинг мазкур соҳалар учун масъул бўлган раҳбарлари ахборотлари эшитилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва муҳокама қилинган масалаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Матбуот хизмати.**

KAPITALBANK

***Давлатимиз раҳбари 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ўтган йили молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтди. Жумладан, 2010 йилда мамлакатимиздаги тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга, депозитлар ҳажми эса 1,5 баробардан ошгани бунинг яққол тасдиғидир.***

***Қолаверса, банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган кредитлар мавжуд корхоналарни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда янги иш ўринлари яратиш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш имконини бераётир. Бу борада "Капиталбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг ҳам хизмати ва ҳиссаси катта.***

# «Капиталбанк»: ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

## Имкониятнинг ўзи бойлик

Соғлом рақобат тараққиётга элтувчи муҳим омилдир. Бунинг амалий тасдиғи бугун ана шу ҳаётий ҳақиқатга амал қилиб иш юритаётган молия муассасалари муваффақиятларида ҳам яққол намоён бўлаётир. Хусусан, ўтган йилдан бошлаб Самарқанд молия бозорида фаолият кўрсата бошлаган "Капиталбанк"нинг Самарқанд филиали ҳам қисқа даврда вилоят тадбиркорларининг яқин ҳамкорига айланиб улгурди. Айни пайтда ўз имкониятларини кенгайтириб, хизмат турларини тобора такомиллаштириб бораётган мазкур молия муассасасига мижоз бўлаётганлар сони кундан-кунга ошиб бораётир.

— Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, иштироки йилдан-йилга ошиб боришини хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган кафолатлар мустаҳкамланаётгани, мазкур секторни ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш учун етарли имкониятлар яратилаётгани билан изоҳлаш мумкин, — дейди филиал бошқарувчиси Муҳаммадшукур Тилавов. — Аслида, бундай имкониятларнинг ўзи катта бойлик. 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши, бу борада Давлат дастури қабул қилиниши эса тадбиркорлар имкониятларини янада кенгайтириб, уларга хизмат кўрсатувчи молия муассасалари зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Биз йил дастури ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилашдан олдин, биринчи навбатда, ўтган йилги натижаларимизни, мижозлар билан муносабатимизни таҳлил қилдик. Хусусан, 2010 йил давомида филиал томонидан мижозларга ажратилган кредитлар миқдори 1 миллиард 231 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 951,4 миллион сўми саноат корхоналарига, 15 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 19,4 миллион сўми транспорт ва алоқа тизимига, 226 миллион сўми савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига ҳамда 19,2 миллион сўми хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган.

Эътиборлиси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банк филиали томонидан ажратилаётган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада ошди. Масалан, йилнинг биринчи чорагида барча тармоқларга 500 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилгани қувонарли ҳолдир. Ана шу сармояларнинг энг кўп миқдори, яъни 300 миллион сўми саноат корхоналари учун ажратилгани молия муассасасининг тадбиркорлик ривожига, жойларда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратаётганини ифодалайди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, "Капиталбанк" вилоят филиалининг қишлоқ хўжалигига ажратаётган кредитлари миқдори ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида бу муҳим соҳага банкнинг 50 миллион сўмлик кредити йўналтирилди. Бу ўтган йил давомида ушбу мақсадлар учун ажратилган кредитлар миқдоридан салкам 3,5 баравар кўпдир. Шунингдек, мазкур даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси вакиллари филиалнинг 12 миллион сўмлик, савдо ва умумий овқатланиш тизимида фаолият юритаётган мижозлар эса 138 миллион сўмлик кредитларидан баҳраманд бўлишди.



Эътиборлиси, ушбу маблағлар пировардида ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашга ҳамда юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаяпти. Жумладан, вилоятда банк кредитига эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 602,9 миллион сўмлик пойабзал, 722,3 миллион сўмлик пластмасса маҳсулотлари, чорвачилик ва паррандачилик корхоналари томонидан 106 миллион сўмлик гўшт маҳсулотлари, паррандачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари томонидан эса 21,4 миллион сўмлик тухум ишлаб чиқарилгани бунга яққол мисол бўла олади.

— Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида "Капиталбанк"нинг Самарқанд филиалидан 300 миллион сўм миқдорида кредит олдим, — дейди Ургут туманидаги "Маҳмудмурод пласт" масъулияти чекланган жамияти раиси М. Тўраев. — Ушбу сармоя ҳисобига жорий йилнинг биринчи чораги давомида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари 40 тадан 70 тага оширилиб, 145 минг дона пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди ва 14 та иш ўрни яратилди. Келгусида "Капиталбанк" кредитларидан фойдаланиб, турли хил болалар ўйинчоқлари, музлаткичлар учун эҳтиёт қисмлар, янги турдаги хўжалик моллари тайёрлаш орқали фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

— Корхонамиз пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди Самарқанд шаҳридаги "ASIR EXPORT" қўшма корхонаси директори Ниёз Шарипов. — Ўтган йили "Капиталбанк"нинг Самарқанд филиалидан 300 миллион сўм маблағ олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қўшимча иш ўринлари ташкил қилишга муваффақ бўлдик. Айни пайтда корхонамизда 50 нафар ишчи томонидан ойига 50 минг жуфт сифатли пойабзал тайёрланаяпти. Шу пайтга қадар маҳсулотларимиз фақат ички бозорга чиқарилган бўлса, эндиликда экспорт амалиётларини ҳам бажараяпмиз. Шу йилнинг ўзида қўшни Қозоғистон Республикасига 100 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатдик. Бундай саъй-ҳаракатлар корхона иқтисодиётининг янада яхшиланишига, ишчилар иш ҳақининг ошиб боришига йўл очаяпти. Бундан буён ҳам "Капиталбанк" билан ҳамкорликни давом эттириб, янги-янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилаверамиз.

## Кредитлаш — устувор йўналиш

"Капиталбанк" мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни амалга оширади. Кредитлар асосий капитални (инвестициявий, улар одатда 5 йилгача муддатга берилади) ва айланма капитални (улар қоидага кўра 1 йилгача муддатга ажратилади) шакллантириш учун тақдим этилади. Чакана савдо ташкилотларига ажратиладиган кредитлар муддати 3 ойдан ошмайди.

Шунингдек, актив — узоқ муддатли кредитлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун асосий воситаларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва бизнесни кенгайтириш мақсадларида берилади.

Бу турдаги кредитлардан фойдаланган ҳолда, турли мақсадларга мўлжалланган ускуналар, юк ва енгил автотранспорт воситалари, махсус техникалар, хусусан, тиркама ва яримтиркамалар, офис ва ишлаб чиқариш бинолари, омборхона биноси, савдо майдони (дўкон, савдо марказлари), бизнесда фойдаланиладиган бошқа асосий воситаларни харид қилиш мумкин.

Банкнинг қисқа муддатли кредити ишлаб чиқариш, улгуржи савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасига айланма маблағларни тўлдириш учун йўналтирилади. Қисқа муддатли кредитлар ҳисобига хом ашё материаллари ва эҳтиёт қисмлари харид қилиш, товар захираларини тўлдириш, маҳсулот хилма-хиллигини кўпайтириш, мавсумий харидларни амалга ошириш, бизнесни кенгайтириш каби имкониятлардан фойдаланиш мумкин.

## Қулай тўлов воситаси

Пластик карточкалар бугунги кунда энг қулай тўлов воситасига айланди. Қай бир хизмат кўрсатиш шохобчасида бўлмайлик, одамлар қўлида пластик карточкаларни кўрасиз. Улар бундай жойларда ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз осонгина савдони амалга оширишади. Ана шу пластик карточкалар орасида "Капиталбанк" тўлов воситалари ҳам ўрин эгаллаган. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, банкнинг Самарқанд филиали томонидан 949 та пластик карточка тарқатилди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминаллар 76 тага етказилди. Уларнинг 3 таси банк, 73 таси савдо терминалидир.

2010 йилда пластик карточкалар ҳисобварақларига 936,2 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказилган эди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида филиал барча мижозларга пластик карточкалар тарқатиб, ойлик иш ҳақи лойиҳаларни ана шу қулай тўлов воситаси орқали тўлиқ амалга оширишни режалаштирган. Бу даврда савдо ва хизмат кўрсатиш терминаллари сони 100 тадан оширилади.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Самарқанд шаҳри ва вилоятида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ҳамда аҳоли банк филиалининг "VIZA" халқаро карталари хизматидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлди. "VIZA"нинг "Viza Electron", "Viza Classik", "Viza Gold", "Viza Business" турлари мижозлар учун кенг йўлга қўйилди.

Хуллас, банк филиали жамоаси Президентимиз ва ҳукуматимизнинг банк тизимига оид қарорлари ижросини таъминлаш, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳар доим мижоз кўнглига йўл топиш, унга амалий кўмак бериш йўлида изланмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ.** t

---

Молия муассасаларида

# ДЕҲЛИДА ЎЗБЕК РАССОМИНИНГ КЎРГАЗМАСИ

***Деҳлидаги "Сарасвати" тасвирий ва рақс санъати коллежида таниқли ўзбек рассоми, Ўзбекистон Бадиий академияси ижодий уюшмаси Самарқанд бошқармаси раиси Аслиддин Исаевнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Ҳинд жамоатчилиги ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлган тадбир Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами тараддудига бағишланди. Унда Деҳлидаги маданий-гуманитар, ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилчи доираларининг кўзга кўринган вакиллари, шунингдек, Ҳиндистон пойтахтида аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари қатнашди.

Кўргазмада ўзбек рассомининг Ҳиндистон диёрига ижодий сафари давомида ишланган машҳур янги асарлари тақдим қилинди. Ўзбек мўйқалам соҳиби бир ой давом этган ушбу сафари чоғида нафақат ҳинд халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, балки табиат манзаралари акс эттирилган 30 дан ортиқ асар яратди.

Тадбир давомида А. Исаев Ўзбекистон замонавий тасвирий санъат усталарининг кучли ўнлигига кириши таъкидланди. Рассом ижодининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унинг кўплаб асарларида тарих ва бугунги кун, борлиқ ва хаёлотнинг ўзаро уйғунлиги, Самарқанднинг ноёб ҳамда бетакрор руҳи ўз ифодасини топган.

Юртдошимиз А. Исаев кўпдан бери турли кўргазмаларда муваффақият билан иштирок этиб келади. Хусусан, унинг ишлари АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Миср ва Ҳиндистон давлатларининг санъат мухлислари томонидан юқори баҳоланган. Унинг асарларини хорижлик шахсий коллекциячиларнинг тўпламларида ва давлат музейларида ҳам учратиш мумкин.

Самарқанд оқшоми, куз, Шарқ бозорлари ҳамда инсон тасаввуридаги дунё рассомнинг энг ёқтирган мавзуларидир. Унинг ижодида она мавзуси, айниқса, муҳим ўрин тутади.

А. Исаевнинг Деҳлида ўтказилаётган кўргазмасига келган меҳмонлар рассом ижоди бетакрор рангин жилолар уйғунлиги ва ўзбек тасвирий санъати мактабининг ўзига хослигини акс эттиришини таъкидладилар. Жумладан, **"Сарасвати" тасвирий ва рақс санъати коллежи раҳбари Бал Рам Саини**нинг қайд этишича, ўзбек рассомчилик мактаби устасининг Деҳлидаги шахсий кўргазмаси Ҳиндистон пойтахтининг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

— Биз Ўзбекистоннинг кўзга кўринган тасвирий санъат вакилларидан бирининг асарларини намойиш этиш имкониятига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — дейди Б. Р. Саини. — Ҳиндистонлик санъат ихлосмандлари кўплаб ўзбек рассомларининг ижод намуналари билан яқиндан таниш. Улар ўзига хослиги, халқчиллиги ва чуқур фалсафий маъноrа эгалиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, кўргазмага қўйилган асарлар орасида Ҳиндистон мавзуига бағишланган ишларни кўриш биз учун жуда қувонарлидир. Рассом ўз ижоди билан халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожига ҳиссасини қўшишига ишончим комил.

**"Ҳиндистон — МДҲ" Савдо-саноат палатаси Бош котиби Анил Матхур**нинг фикрига кўра, ўзбекистонлик маҳоратли рассомлардан бирининг махсус кўргазмаси Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигини нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий йўналишда ҳам ривожланаётганини ҳамда ниҳоятда серқирра эканини кўрсатади.

— Кўргазма бизга ўзбек халқининг ноёб маданияти, турмуш тарзи, анъаналари ва тарихини ўзимиз учун кашф қилиш имконини берди, — дейди А. Матхур.

**www.sarkaritel.com оммабоп ахборот-таҳлилий интернет-порталининг бош муҳаррири Амея Сатае** Ўзбекистонда кўп маротаба бўлгани ҳамда халқимизнинг бой ва ранг-баранг маданияти билан яқиндан таниш эканини алоҳида қайд этди.

— Аслиддин Исаевнинг кўргазмаси мен ҳар гал мамнуният билан сафар қиладиган Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларимни яна бир бор жонлантирди. Юртингиз шаҳарларида, айниқса, Самарқандда шарқона шижоат ва осойишталик, нафислик ҳамда ўзига маҳлиё этувчи гўзаллик мужассамдир. Мен ўзбек мўйқалам соҳибининг асарларини томоша қилиб, хотирамда муҳрланиб қолган Ўзбекистон ҳақидаги тасаввуримни янада бойитиб олдим.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

Биз ва жаҳон






Яхши хабар

**Урганч шаҳрида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси, Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Урганч шаҳар ҳокимлиги томонидан Аз-Замахшарий номидаги экологик боғ барпо этилди.**

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС МЕВАСИ

Тўққиз гектардан зиёд майдонни эгаллаган мазкур боғда 10 турга яқин қарийб уч минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилган. Уни бунёд этишда 300 нафардан зиёд ёшлар фаол иштирок этдилар.

Айтиш жоизки, экологик боғ мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, мавжуд ўсимлик генофондини асраб-авайлаш ҳамда баъзи экологик муаммоларни ҳал этиш мақсадида яратилди. Ушбу хайрли ташаббусни амалга оширишга вилоятдаги бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

## ёхуд оромгоҳлар болажонларни қабул қилишга шайми?

*Мана, умумтаълим мактабларида ўқув йили ниҳоясига етиб, эртамиз эгалари бўлган ўғил-қизлар ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказиш тараддудини кўришаяпти. Айни пайтда Андижоннинг энг хушманзара, баҳаво гўшаларида ташкил этилган 19 та доимий, 41 мавсумий фаолият кўрсатувчи оромгоҳ ўғил-қизларни чорламоқда.*



Ёзги таътил — 2011

Жорий мавсумда ушбу масканларда 19330 нафар бола ҳордиқ чиқариши ҳамда соғломлаштирилиши кўзда тутилган. Оромгоҳларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар ҳомийлигида кўнгилдагидек таъмирдан чиқарилди. Барчанинг ҳавасини келтирадиган чўмилиш ҳавзасига эга бўлди. Спорт майдончалари, тиббиёт хонаси, кутубхона ташкил этилди.

Избоскан туманидаги "Машъал" оромгоҳи ўрмон бағрида жойлашган. Бу ерда ҳар йили ёз мавсумида минг нафарга яқин ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Янги дўстлар орттиради. Табиатга ошно тутинади.

— Дам олувчиларни қабул қилишга тўлиқ тайёрмиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Сойибжон Тошбоев. — Таъминотчи корхона ва муассасалар билан шартномалар туздик. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий сузиш ҳавзаси барпо этилди. Волейбол, баскетбол, футбол майдонлари, теннис корти ёшларимизга мунтазир. Бу мавсумда дам олувчилар ўртасида очиқ биринчиликлар, қизиқарли мусобақалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратамиз. Лўнда қилиб айтганда, оромгоҳимиз дўстлик, аҳиллик қўрғонига, билимдон, зукко болалар масканига айланиши, шубҳасиз.

— Болажон халқмиз, — дейди халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш Бўз тумани бўлимининг мудири Фахриддин Қўзибоев. — Ҳар бир боланинг яйраб-яшнашини истаймиз. Ниятимиз дилбандларимиз меҳрдан, ардоқдан бир хилда баҳраманд бўлсин. Шуни инобатга олиб, кам таъминланган оилаларнинг 150 нафар фарзанди "Истиқлол" оромгоҳига жалб этилиши кўзда тутилган. Умуман, оромгоҳда 450 нафар ўғил-қиз дам олади. Бундан ташқари, жойлардаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар қошида ташкил этилган мавсумий оромгоҳларда ҳам икки юз нафардан ортиқ бола янги ўқув йилига куч тўпламоқда.

Мавсумда Булоқбоши туманида бир вақтнинг ўзида "Энергетик", "Шифокор" ҳамда Ғафур Ғулом номли оромгоҳлар минглаб ёшларни ўз бағрига олади. Уларнинг барчаси боғроғлар қўйнида жойлашган бўлиб, ҳаво ҳарорати шаҳарникидан 5-10 даража фарқ қилади. Бой китоб фондига эга кутубхоналар ташкиллаштирилди. Шинам ва сифатли ётоқ жиҳозлари ўғил-қизларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади.

Афсуски, ҳамма жойда мавсумга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек олиб борилди, деб бўлмайди. Шу ўринда Асака туманидаги "Машъал"ни олиб кўрайлик. Оромгоҳ раҳбари Абдусалом Мирзаевнинг айтишича, ошхона, 10 та ётоқхона, чўмилиш ҳавзаси таъмирга муҳтож. Теннис корти, бошқа спорт майдонларини ёввойи ўт босган. Қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар талабга жавоб бермайди. Кийим-кечаклар учун жавоннинг ўзи йўқ.

Мавсум аллақачон эшик қоқиб улгурди. Масъуллар мудроқ босган кўзларини очишлари, болажонларнинг "Ёз соз ўтмоқда", деган хушкаломини эшитиш учун бор имкониятларни ишга солишлари талаб этилади. Зеро, мароқли дам — дилга малҳам, деб бежиз айтилмаган. Шундай экан, мавсум масъулиятини унутмайлик.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Изланиш

# «КИЧИК АКАДЕМИЯ»

***Фарғона давлат университети қошида "Кичик академия" иш бошлади.***

Ўз сафига фан докторлари, номзодлари, профессор ҳамда доцентларни бирлаштирган уюшманинг бош мақсади иқтидорли ёш олимлар, изланувчан тадқиқотчилар, магистрантлар, талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий фаолиятларини йўналтиришдан иборатдир.

"Кичик академия"нинг дастлабки машғулотида Фарғона давлат университети ректори, биология фанлари доктори, профессор Мадаминбек Аҳмедовнинг "XXI аср — биология фани муаммолари" мавзуидаги маърузаси тингланди.

Академияда ёш олим ва талабалар учун семинар-тренинглар, амалий машғулотлар ҳам ўтказилмоқда.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни

***Инсон учун саломатликдан ортиқ неъмат йўқ. Бу бойликни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш лозим. Шу маънода, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, тиббий санитария-гигиена тадбирлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи шаклланиши, зарарли одатлар камайиб бориши, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни камайтириш ва уларнинг олдини олишга қаратилган.***

# ЭРМАК ОРТИДАГИ КУЛФАТ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига қараганда, ер юзида бир йилда 5 миллиондан ортиқ киши тамаки асоратларидан кўз юммоқда. Ҳозир дунё аҳолисининг учдан бир қисми ёки 1 миллиард 300 миллиондан ортиқ киши тамаки чекади. Тамаки чекиш инсон умрини 15 йилга қисқартирар экан. Тадқиқотларда келтирилишича, агар бу зарарли иллатнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмаса, дунёда 2020 йилга бориб, чекувчилар сони яна 2 баробарга ошиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам 2 миллионга яқин одам кашандалик дардига мубтало бўлган. Айниқса, сўнгги йилларда тамаки чекиш ёшлар ва аёллар ўртасида "урф"га айланиб бораётгани янада ташвишлидир. Тамаки тутуни таркибидаги заҳарли моддалар нафас олиш аъзолари, юрак-қон томир тизимида, ошқозон-ичак йўлларида бир қанча касалликлар пайдо қилади. Хусусан, чекиш атеросклероз, юрак санчиғи авж олишига олиб келади. Ҳомиладор аёлларнинг чекиши эса бўлажак ҳомила (бола) ривожини кечиктиради, муддатдан олдин туғиш, она қорнида боланинг нобуд бўлишига замин ҳозирлайди. Тиббиётдан маълумки, тамаки чекилганидан кейин 20 дақиқа ўтгач, эмизикли ёки ҳомиладор аёл қонидаги никотин бола организмига сут ёки йўлдош орқали ўтади. Бу эса наслга ҳам салбий таъсир қилиб, боланинг заиф, ногирон, жисмоний нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлади. Шунингдек, чекиш натижасида тамаки таркибидаги заҳарли моддаларнинг 50 фоизи атроф-муҳитга тарқалса, 20 фоизи чекувчининг организмига ўрнашади. Бу эса оғир хасталикларга олиб боради. Қарабсизки, энди улар ўзлари пулга сотиб олиб, орттирган дардларига шифо излаб, умрларининг қолган қисмини азоб-уқубатда ўтказадилар.

Чекиш ва ичиш каби зарарли иллатларнинг нафақат инсон саломатлигига, балки унинг дунёқарашига, маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши кўп бора исботланган. Бу иллатларга ружу қўйган одамнинг иродаси, ақл-идроки заифлашади, одоб-ахлоқига путур етади. Шундай экан, оқ тутуннинг қора кўланкасига маҳлиё бўлиб, ўз обрў-эътиборимизни, саломатлигимизни қўлдан бой бермайлик...

**Ортиқали ИСАЕВ, олий тоифали шифокор.**

# ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

***Бухорода Президентимиз томонидан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти учун ўтказилаётган ижодий танловнинг вилоят босқичи ниҳоясига етди.***

«Ниҳол — 2011»

Мусиқа, қўшиқ, рақс ва опера санъати йўналишларида янги истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби мақсадлар кўзланган ушбу тадбирда 59 нафар ёш ижрочи ўз маҳоратини намойиш этди.

Якунда "Бухоро гўзаллари" дастаси раққосаси Меҳринисо Назарова, эстрада хонандаси Раҳим Хўжаев, мумтоз қўшиқлар ижрочилари — олотлик Моҳичеҳра Шомуродова ва вобкентлик Назокат Нарзиева, фортепьяночи Миршод Чориев ғолибликни қўлга киритдилар. Эндиликда улар танловнинг якуний босқичида иштирок этадилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Бунёдкорлик

# Ёшлар учун марказ

***Наманган шаҳридаги Оромгоҳ маҳалласида замонавий спорт-соғломлаштириш маркази бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.***

Бунинг учун маҳаллий тадбиркор Баҳодир Қўлдошев ўз ҳисобидан 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. Ҳозир бу ерда маҳалланинг 100 нафарга яқин ёшлари бокс, каратэ ва оғир атлетика спорт турлари бўйича машғулотлар олиб бормоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО

(31 май)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 16-21, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 14-16, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**








«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 x 600 мм,
610 x 610 мм.
Ассортимент — 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.
36R/1238

*"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Ал-Хоразмий филиалида қатъий ҳисобда турувчи 6866977, 6866978 рақамли 2 (икки) дона ТХ-1ш патталар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz



Халқ сўзи — Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5